

Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 30 ноябрдаги
113-сон буйруғига
15-илова



Қоракўл туман статистика бўлими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қоракўл туман статистика бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) ягона тизимига кирувчи худудий давлат статистика органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Бухоро вилояти статистика бошқармасига (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) бўйсунади.

Бўлим маҳаллий давлат ҳокимиюти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Давлат статистика қўмитасига бўйсунади;

3. Бўлим маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, юридик шахслар ва фуқароларнинг статистик маълумотлардан фойдаланувчиларни расмий статистика ахборотига бўлган эҳтиёжини қондирувчи, яхлит илгор статистика ахбороти тизимининг фаолият кўрсатишига йўналтирилган давлат статистикаси соҳасидаги ягона сиёsatни амалга оширишда иштирок этади.

4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари, топшириклари ва кўрсатмаларига, Бошқарманинг буйруқлари ва кўрсатмаларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқа маҳаллий давлат органлари ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

6. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига асосан Давлат

статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ ташкил қиласди.

7. Бўлим (кейинги ўринларда статистика органлари деб аталади) қонуний фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар қандай аралashiшига йўл қўйилмайди.

8. Бўлим Бухоро вилояти статистика бошқармасининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, бўлимга келиб тушадиган ва чиқиб кетадиган ҳужжатлар ва мурожаатларни рўйхатга олиш штампларига эга.

9. Бўлимнинг жойлашган манзили: Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Улуғбек кўчаси, 5-уи.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

расмий статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ва статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини жорий этиш;

ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш;

давлат органларини, юридик шахсларни ва статистик маълумотлардан фойдаланувчи аҳолини Қоракўл тумани бўйича статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритишда иштирок этиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлаш;

Бўлимнинг иш усуллари ва шаклларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш, юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириш.;

рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

11. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

a) расмий статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириши ва статистикани ташкил этишининг самарали тизимини таъминлаш борасида:

расмий статистика тамойилларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлайди;

Бўлимнинг таҳлилий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни кўради;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини жорий этиши соҳасида:

бўлим давлат статистика кузатувлари шаклларининг жорий этилишини ташкил этади, жумладан ҳисобот тақдим этувчи субъектларни тасдиқланган давлат статистика ҳисботи шакллари тўғрисида хабардор қиласи ҳамда уларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;

давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлайди;

в) ижтимоий-иктисодий ва демографик ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йигиши, қайта ишилаши, тўплаши, сақлаши, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

Қоракўл тумани бўйича ижтимоий-иктисодий ривожлантириш давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилиши юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика кузатувларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этади;

давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғиши, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методологияга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этади ва таъминлайди;

статистика, ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлайди;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотларини йиғиши, қайта ишилаш ва умумлаштириш тартибига давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай аралашувини истисно қиладиган тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисботларини тақдим этишда ҳар томонлама қўмаклашади, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳукуқий маданиятни ошириш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини амалга оширади, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усусларини қўлланишини таъминлайди;

статистик маълумотлардан фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг ахборот ресурсларидан фойдаланишга доир тушунтиришлар беради;

олинган статистика маълумотларининг маҳфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки микдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг химоя қилинишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, Бўлим фаолияти жараёнида юзага келган архив ҳужжатларини белгиланган тартиб ва муддатларда Бошқарма идоравий архивига тақдим этилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа маҳфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлайди;

г) давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини ҳудуд бўйича статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаши соҳасида:

худуднинг ривожланишини тизимли таҳлил қилиш бўйича бошқа ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласиди;

барча фойдаланувчиларга очиқ статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлайди;

Қоракўл тумани бўйича маълумотлар асосида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида (маҳаллий телеканалларда) таҳлилий материаллар кенг намойиш қилиш йўли билан статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради;

шартнома асосида бошқарма номидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот хизматларини ва Давлат статистика ишлари дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

д) Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, статистика ишларини ташкил этиши учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификациялар тизимини юритицда иштирок этиши соҳасида:

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрида ҳудудда жойлашган юридик шахсларни тўлиқ ҳисобга олишни ва улар фаолияти ҳолатидаги ўзгаришларни мониторинг қилишни таъминлайди;

е) ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлаши соҳасида:

статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилишини ва қайта ишланишини таъминловчи янги ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини Бўлим фаолиятига жорий этишда иштирок этади;

давлат статистика органлари ахборот ресурслари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат статистикаси ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

ж) Бўлимнинг иши усуллари ва шаклларини янада тақомиллаштириши, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириши, юклangan вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимлар масъулиятини ошириши соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Бўлим ишини тақомиллаштириш бўйича амалий чоралар кўради;

бўлим бошқарма билан келишган ҳолда кадрларининг малакаси оширилишини ва қайта тайёрланишини тизимли асосда таъминлайди;

расмий статистика соҳасида хукуқбузарликларни профилактика қилиш ва статистик маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этади, улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил қиласи, жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, улар бўйича қарорлар қабул қилинишини ва қонун хужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар юборилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун хужжатлари бузилишини олдини олишга қаратилган огоҳлантирувчи ва профилактика хусусиятига эга чораларни, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар оқибатларини бартараф этиш чораларини амалга оширади.

3) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиши ва амалга ошириши соҳасида:

рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни амалга оширади;

рўйхатга олишга жалб этиладиган ходимларни ўқитиш ишларини ташкил этади;

рўйхатга олиш жараёнларини сифатли ташкил этилишини таъминлайди;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш хужжатларининг сақланиши (шу жумладан, вақтинча сақланиши) ва йўқ қилиниши таъминлайди.

Бўлим қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

З-боб. Бўлимнинг хукуқлари ва жавобгарлиги

12. Бўлим ўзига юкланган вазифалар, функцияларни бажариш учун қуидаги хукуқларга эга:

Қоракўл тумани худудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисботини белгиланган тартибда олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Қоракўл тумани худудидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишининг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

Қоракўл тумани худудидаги юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан, шунингдек юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг регистрлари ва ахборот базаларини шакллантирувчи ва юритувчи давлат органлари ва уларнинг идоравий мансуб ташкилотларидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва фаоллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

Қоракўл тумани худудидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар ва методология бўйича олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат статистика кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистика ахборотлари билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан давлат статистикаси соҳасидаги қонун хужжатларининг бажарилишини қонун хужжатларига мувофиқ назорат қилиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва холисоналигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниqlанган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибини бузгаётган мансабдор шахсларга нисбатан қонун хужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари кўриш;

давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга кўлланиладиган маъмурий жарималардан тушумлар

хисобига Давлат статистика қўмитасининг махсус жамғармасини шакллантиришда иштирок этиш ва ундан белгиланган тартибда мақсадли фойдаланиш;

шартнома асосида бошқарма номидан статистик, таҳлилий, ахборот хизматлари ва Давлат статистика ишлари дастуридан ташқари бошқа хизматларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиш.

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам Ҷаҳонгириш мумкин.

13. Бўлим ва унинг мансабдор шахслари уларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Бўлимнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Бўлим раҳбарлари ва ходимлари расмий статистика соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик, тарқатилиши чекланган статистик маълумотлар, статистик ахборотлар ва (ёки) маълумотлар базасини йўқотганлик, сотганлик, берганлик ва бошқа ноқонуний ошкор этганлик учун, шунингдек статистика маълумотларини яширганлик ва бузиб кўрсатганлик учун, ёхуд кўрсатиб ўтилган хуқуққа зид қилмишларга кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ жавоб беради.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

15. Бўлим бошлиги бошқарма бошлигининг тақдимномасига кўра Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

16. Бўлим бошлиги:

Бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қиласида ва Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органларида ва бошқа ташкилотларда Бўлимни ифодалайди;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бўлим ходимларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Бўлим ходимларини Бошқарма томонидан мукофотлаш, рағбатлантириш, юқори малакаси учун устамалар белгилаш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича Бошқармага таклифлар киритади;

Бўлим ходимларини тегишли ҳудудий бошқарма билан келишган ҳолда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини тизимли асосда таъминлайди;

Бўлимга юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида зарур чоралар кўради.

Бошлиқ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш:

Бўлим ходимлари – Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Бўлим бошлиғи – Бошқарма бошлигининг тақдимномасига кўра Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлим фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти

18. Бўлимнинг мол-мулкини Бухоро вилояти статистика бошқармаси томонидан фойдаланиш учун ажратилган асосий воситалар, шунингдек қиймати Бухоро вилояти статистика бошқармаси балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

19. Бўлимнинг моддий-техника таъминоти Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бўлимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рафбатлантириш Бухоро вилояти статистика бошқармаси томонидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоида

20. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.